



## УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Азимов Фахриддин**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университети  
ORCID: 0009-0006-7307-6657  
[faxriddin.azimov1983x@gmail.com](mailto:faxriddin.azimov1983x@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақолада узоқ муддатли молиявий инвестициялар тушунчаси. Уларнинг аҳамияти ва моҳияти, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва баҳолаш, шунингдек, уларни қиримга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиблари ҳамда қайта баҳолаш масалалари кенг тадқиқ этилган. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришда уларни счётларда акс эттириш ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, баҳолаш, тан олиш, счётлар режаси, қайта баҳолаш, акция, облигация.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ДОЛГОСРОЧНЫХ ФИНАНСОВЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

**Азимов Фахриддин**

Самаркандский государственный университет  
ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий

**Аннотация.** В данной статье рассматривается концепция долгосрочных финансовых инвестиций. Обсуждаются их значение и сущность, нормативно-правовая база учета долгосрочных финансовых инвестиций, их признание и оценка в бухгалтерском учете, а также процедуры их включения и списания, и переоценки. Приводятся научные предложения и рекомендации по совершенствованию учета долгосрочных финансовых инвестиций, их отражению в отчетности и их улучшению на основе международных стандартов.

**Ключевые слова:** инвестиции, оценка, признание, план счетов, переоценка, акции, облигации.

## IMPROVING THE ACCOUNTING OF LONG-TERM FINANCIAL INVESTMENTS

**Azimov Fakhridin**

Samarkand State University of Veterinary Medicine,  
Animal Husbandry and Biotechnologies

**Abstract.** This article discusses the concept of long-term financial investments. Their importance and essence, the regulatory and legal basis for accounting for long-term financial investments, their recognition and valuation in accounting, as well as the procedures for their inclusion and write-off, and revaluation. Scientific proposals and recommendations are given to improve the accounting of long-term financial investments, their reflection in the accounts and their improvement based on international standards.

**Keywords:** investment, valuation, recognition, chart of accounts, revaluation, stock, bond.

### Кириш.

Жаҳон тараққиётида инвестициялар ҳажми тобора ошиб бормоқда, статистик маълумотларга қараганда асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажми бўйича АҚШ (384,7 млрд.долл.) Сингапур (175,2 млрд.долл.), Гонконг (111,2 млрд.долл.) каби давлатлар етказилик қилмоқда, лекин шунга қарамасдан умумий олганда ўтган 2024 йилда БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси ҳисоб-китобида кўра, ўтган 2024 йилда жаҳондаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 11,0 фоизга пасайиб, 1,5 трлн.долларни ташкил этган. Албатта бунинг ўзига ҳос қатор омиллари бўлиб, бу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро урушлар, иқтисодий бўҳронлар, савдо тўсиқларининг кучайиши ва геосиёсий кескинликлар билан изоҳланади. Умумий инвестицияларнинг 6,9 трлн.долл. номоддий активларга тўғри келган бўлса, 4,7 трлн.долл. эса моддий (матерал кўринишидаги) активларга тўғри келади (Қарор, 2020). Натижада, бугун жаҳонда инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши, улардан самарали фойдаланиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ҳамда таҳлил қилиш услубиётини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилган.

Жаҳонда йирик компаниялар, акциядорлик жамиятлари ахборотдан фойдаланувчиларга бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлардан бири инвестицияларни тан олиш, уларни баҳолаш, киримга олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳамда молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилишига оид ишончли ахборотларни шакллантиришга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоб юритиш, рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ҳисоб тизимларини жорий этиш ҳамда сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш жараёнида инвестициялар ҳисобини халқаро стандартлар талаблари асосида юритиш, мувофиқлаштириш, тан олиш, баҳолаш моделини қўллаш, уларни хизмат муддатларини аниқлаш, киримга олиш тартибини такомиллаштириш, компаниялар ҳисоб сиёсатида акс эттириш услубиёти ва молиявий ҳисоботларда ёритиб бериш асосида молиявий барқарорлигини ошириш масалалари долзарбдир.

### Адабиётлар шарҳи.

Инвестициялар тушунчаси ва уларнинг аҳамияти ва зарурияти тўғрисида аввалги бобда кенгроқ ёритиб берилди, шундай бўлсада уларнинг хусусиятлари ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалаларига тўхталиб ўтилади. Демак, инвестициялар – бу иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар бўлиб, бухгалтерия ҳисобида асосан молиявий қўйилма сифатида қайд этилади. Молиявий қўйилма - корхонанинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари (пул маблағларини қўшма корхоналар, акционер жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўшиш), бошқа корхоналарга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзлар сифатида акс эттирилади. Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади.

Республикамизда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ва уни юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган. Аввало бунда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонунни келтириб ўтиш жоиз. Мазкур қонунинг 4-моддасида *Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир* деб таъриф берилган.

(Қарор, 2025). Демокчимизки, инвестицияларни жалб қилиниши ва улардан самарали фойдаланиш жараёни корхонада содир бўладиган хўжалик операциялари, яъни иқтисодий ходисалар асосида юз беради.

Мазкур операциялар натижасида инвестициялар баҳоланиб корхонанинг балансига олинади, яъни корхона активлари сифатида тан олинади. Айнан юқоридаги қонунда бу 7-моддасида алоҳида тўхталиб ўтилади: “Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир” (Қонун, 2016). Шунингдек, инвестициялар бухгалтерия ҳисобининг янги объектларидан бири сифатида талқин қилинади. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) асосида ҳисобот топширувчи корхоналарда инвестициялар учун унинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли активлар сифатида акс эттирилиши белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 9-моддасида эса, “Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади” деб кўрсатилган. Инвестициялар ҳисобини юритишда республикада бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ишлаб чиқилган. Аввалига мазкур стандарт “Молиявий инвестициялар ҳисоби” (12-сон БҲМС) номи билан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган эди (1999 йил 16 январь, 536-сон).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини (БҲМС) халқаро стандартларга (МҲХС) мувофиқлаштириш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, ҳозирда амалдаги БҲМСлар босқичма-босқич халқаро стандартларга мослаштириб борилмоқда.

Айнан инвестицияларга оид БҲМС қоидалари ҳам Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 14 июндаги 138-сон буйруғи асосида халқаро талабларга мувофиқ қайта ишлаб чиқилди ва жорий этилди (БҲМС, 2024). Ушбу стандартнинг 2-моддасида бюджет, суғурта ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар республикада фаолият юритаётган барча юридик шахсларда (ташкилот) молиявий инвестицияларини ҳисобга олиш усулини аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартибини белгилаш бош мақсад қилиб олинган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур мақолани ёзишда инвестициялар, жумладан узоқ муддатли молиявий инвестицияларни тан олиш, уларни баҳолаш, счётларда акс эттириш, сотиб олиш ва бозор қийматлари ўртасидаги фарқларни даромад ва харажат сифатида қайд этиш, ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштиришда олимларнинг назарий ёндошувлари чуқур тадқиқ этилди. Шунингдек, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олишда таҳлилнинг гуруҳлаштириш, таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил қилиш, балансни динамик ва горизонтал таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Корхоналарда инвестициялар ҳисобини, жумладан қисқа муддатли (жорий) инвестицияларни ҳисобини юритишда қуйидаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қоидаларидан кенг фойдаланилади:

1-сонли БҲМС "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати" (АВ томонидан 06.08.2024 й. 3544-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 130-сон буйруғига 1-илова);

8-сонли БҲМС "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби" (АВ томонидан 26.07.2024 й. 3537-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 135-сон буйруғи билан тасдиқланган);

12-сон БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш" (АВ томонидан 18.07.2024 й. 3531-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 14.06.2024 й. 138-сон буйруғи билан тасдиқланган);

17-сонли БҲМС "Капитал қурилишнинг пудрат шартномалари" (АВ томонидан 23.07.2024 й. 3533-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 140-сон буйруғи билан тасдиқланган);

21-сонли БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3593).

Мазкур стандартлар ичида энг муҳими бу 12-сон БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш" бўлиб, стандартга асосан, корхона молиявий инвестициялар ҳисобини БҲМСга мувофиқ юритиши ҳамда улар қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши белгилаб қўйилган:

молиявий инвестицияларни (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) тоифаларига қараб таснифлаш;

молиявий инвестициялар қийматини аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш;

молиявий инвестицияларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш;

молиявий инвестициялар қийматининг қайтарилмайдиган пасайиши.

Стандартда молиявий инвестициялар бўйича қуйидаги атамадан фойдаланилади:

"Молиявий инвестициялар - ташкилот тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар" (БҲМС, 2024).

Ўз навбатида стандарт узоқ муддатли молиявий инвестицияларга ҳам таърифини келтириб ўтади, мазкур таърифга кўра узоқ муддатли молиявий инвестициялар сифатида қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялардан ташқари барча молиявий инвестициялар сифатида келтириб ўтилган.

### 1-жадвал

#### "Жиззах аккумулятор заводи" АЖда узоқ муддатли инвестициялар таркибининг динамик ўзгариши (минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Узоқ муддатли инвестициялар, жами:	1008590	1260696	1041106	1061106	20000	20000
Ўзгариши, фоизда	100,0	124,9	82,5	101,9	18,8	100,0
қимматли қоғозлар (0610)	0	0	0	0	0	0
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	1008590	219590	-	20000	20000	20000
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	0	0	0	0	0	0
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	0	0	0	0	0	0
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	0	1041106	1041106	1041106	0	0

**Манба:** "Жиззах аккумулятор заводи" АЖнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Жиззах аккумулятор заводи” АЖда инвестициялар, жумладан молиявий инвестициялар ҳолати таҳлил қилинганда корхонада сўнги беш йилда уларнинг ҳажми пасайган. Корхонада қимматли қоғозлар мавжуд эмас, лекин шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) деярли ҳар йили корхона балансида мавжуд бўлган. Шунингдек, корхонада бошқа узоқ муддатли инвестициялардан ҳам барқарор равишда фойдаланиб келинган.

“Жиззах аккумулятор заводи” АЖда узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини юритиш учун 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан қуйидаги счётларда юритиш кўзда тутилган:

0610- “Қимматли қоғозлар”;

0620- “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0630- “Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0640-“Чет эл капитали мавжуд корхоналарга инвестициялар”;

0690- “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”.

Қуйида ушбу счётлар нима мақсадда қўлланишига тўхталиб ўтамиз:

0610 «Қимматли қоғозлар» счётида облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар», 0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар», 0640 «Чет эл капитали иштирокидаги ташкилотларга инвестициялар» счётлар шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ҳамда чет эл капитали иштирокидаги ташкилотларга қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счётида эса юқорида келтирилган счётларда назарда тутилмаган бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади

Уларнинг харид қилиниши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетда ҳисобга олинади, узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши, устав капиталига улуш сифатида берилиши оқибатида чиқиб кетиши эса - ушбу счётларнинг кредитида акс эттирилади.

Масалан, “Жиззах аккумулятор заводи” АЖда номинал қиймати 10 млн сўмлик облигациялар 8 млн сўмга сотиб олинди. Ҳизматлар учун комисион тўлов 500 минг сўм. Ушбу облигациялар 18 ойда қайтарилади. Натижада ҳар ойда фоиз сифатида 1972,2 минг сўм тўланади (10 млн.сўм-8 млн.сўм-500 минг сўм/18).

Корхона бухгалтери томонидан қуйидаги ўтказмалар берилади:

- облигацияларни сотиб олиш:

Дебет 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 8 млн.сўм

Кредит 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 8 млн.сўм

- комисион тўлов:

Дебет 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 1972,2 сўм.

Кредит 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 1972,2 сўм.

Ҳар ойда фоиз суммаси даромадга ўтказилади. 18 ойдан сўнг фойдага умумий суммада 35500 минг сўм ўтказилади, облигацияларнинг сотиб олиш қиймати эса унинг номинал қийматига тенглашади.

Дебет 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 1972,2 сўм.

Кредит 9560 – “Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар” – 1972,2 сўм.

-облигацияларни қайтариш:

Дебет 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 10 млн.сўм.

Кредит 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 10 млн.сўм

- қайтарилган облигацияларни балансдан чиқарилиши:

Дебет 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 10 млн.сўм

Кредит 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 10 млн.сўм

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги иқтисодий ходисалар натижасида “Жиззах аккумулятор заводи” АЖда облигацияларни қайтаришда фойда ёки зарар кўрсатилади, лекин ҳақиқатда корхона ҳисоб-китоб счётига облигацияларнинг номинал қиймати келиб тушганда сарфланган маблағдан 35500 минг сўм кўп олди. Демак, ушбу даромад 18 ойнинг молиявий натижаларида акс эттириши лозим, лекин ҳақиқатда бу даромад фақат 18 ойлик муддат охирида келиб тушган. Фикримизча юқоридаги муомаларданни счётларда акс эттириш услугиётига тузатиш киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизга кўра, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича қоидалари бўйича, ушбу облигацияларни қайтаришдаги олинган даромадларни бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттириш лозим бўлади:

*Биринчи*, ҳар ойда облигациялар бўйича фоиз ўтказиб бориладм ва бу 18 ойдан сўнг облигациялар нархи унинг номинал қийматига тенглашади:

Дебет 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 1972,2 сўм.

Кредит 6230 – “Муддати узайтирилган даромадлар” – 1972.2 сўм.

*Иккинчи*, корхонада 18 ойдан сўнг облигацияларни қайтаришга 10 млн.сўм келиб тушди.

Дебет 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 10 млн.сўм.

Кредит 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 10 млн.сўм.

*Учинчи*, Қайтарилган облигацияларнинг баланс қийматига:

Дебет 9220 - “Бошқа активларни тугатилиши” – 10 млн.сўм.

Кредит 0610 – “Қимматли қоғозлар” – 10 млн.сўм.

“Жиззах аккумулятор заводи” АЖда сўнгги беш йилда ўзининг шўъба хўжалик жамиятларига инвестицияларни амалга оширган. Масалан 2021 йилда 1008590 минг сўмлик инвестиция қилинган бўлса, бу 2026 йилга келиб 20000 минг сўмга тенг бўлган. Корхона бухгалтери томонидан ушбу иқтисодий ходисалар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилиб келинган:

- *шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар амалга оширилди (келишувлар асосида):*

Дебет 0620 – “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар” счёти -20000 минг сўм.

Кредит 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 20000 минг сўм.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда. Айнан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) асосида молиявий ҳисоботларни тузиб тақдим этадиган корхоналарда қўлланилаётган счётлар режаси (21-сон БҲМС)ни халқаро стандарт талабларига мувофиқлаштириб бориш талаби қўйилган. Халқаро стандартларда активларни қадрсизланиши бўйича алоҳида тартиб қоидалар мавжуд (36-сон БҲХС Активларни қадрсизланиши). Демак, молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар таркибида қўшимча ишчи счётларни очиш зарурияти юзага келмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда бугунги кунда узоқ муддатли инвестицияларни қадрсизланиши ва у билан боғлиқ резервларни яратиш бўйича амалдаги 21-сон БҲМС Ҳисобварақлар режасида маълумотлар берилмаган.

Халқаро стандарт қоидаларига кўра, корхона активлар қарсизланиш мумкин, бунда қуйидаги икки атама қўлланилади:

*Қадрсизланишдан зарар* - бу актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ортган суммасидир.

*Қопланадиган қиймат* - актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва фойдаланиш қийматидан каттасидир<sup>1</sup>.

Шунингдек, 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” номли стандартда ҳам қуйидагилар ифодаланган: “Ташкилот 4.1.2 ва 4.1.2А бандларга мувофиқ баҳоланадиган молиявий актив, ижара бўйича дебитор қарздорлик, 2.1(ё), 4.2.1(в) ёки 4.2.1(г) бандларга мувофиқ қадрсизланиш қўланадиган молиявий кафолат шартномаси ва қарз мажбурият ёки шартнома бўйича активга нисбатан *кутилаётган кредит зарарлари* бўйича баҳоланадиган резервни тан олиши лозим.”<sup>2</sup> Ўз навбатида мазкур стандартга кўра, корхона тан олиши лозим бўлган ҳисобот санасига зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни тузатиш учун талаб этиладиган суммани *кутилаётган кредит зарарларининг* (ёки уларнинг тикланиши) *қадрсизланишдан фойда ёки зарарни* фойда ёки зарар таркибида тан олиниши кўзда тутилган.

Демак, корхонада ҳар бир ҳисобот даври якунига активлар, яъни молиявий активлар (инвестициялар) қадрсизланганлигининг бирор аломати мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолаб боради, агар шундай ҳолатлар мавжуд бўлса, ўз навбатида корхона молиявий активларни (инвестициялар)нинг қопланадиган қийматини баҳолайди. Шунингдек, инвестицияларнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлса, инвестициянинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматига қадар камайтирилишини талаб этади. Демак, бундай камайиш қадрсизланишдан зарар ҳисобланади. Айнан манашу зарарни қоплаш мақсадида қадрсизланиш бўйича резервни шакллантиришни мақсадга мувофиқдир.

Таклиф: Бизнинг фикримича “Жиззах аккумулятор заводи” АЖнинг ҳисоб сиёсатига киритиш ва амалиётда қўллаш мақсадида 0611 - “Узоқ муддатли инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резерв” номли янги ишчи сётни киритишни таклиф этамиз. Мазкур 0611 - “Узоқ муддатли инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резерв” улушли қатнашиш усулида ҳисобга олинадиган ёки бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинадиган улушли инструментларга инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резервлар ҳисоби учун фойдаланиш учун мақсад қилинган. Мазкур тартибдан халқаро амалиётда тўлиқ фойдаланилади.

Таклиф этилаётган сёт қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

“Жиззах аккумулятор заводи” АЖда ҳисобот даври учун 20 млн.сўм қийматда қадрсизланиш резерви яратилди (харид қилинган акциялар қиймати 200 млн сўмга тенг бўлган, мазкур активлар биринчи чоракда кейин қайта баҳолаш санасида 180 млн. сўмни ташкил қилган):

Дебет 9430 - “Бошқа операцион харажатлар” счёти – 20 млн.сўм

Кредит 0611 - “Узоқ муддатли инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резерв” счёти – 20 млн.сўм.

“Жиззах аккумулятор заводи” АЖда нинг иккинчи чорак якунида сотиб олинган акциялар қиймати 195 млн.сўмга ортган. Уҳолда қадрсизланиш бўйича яратилган резерв суммаси 15 млн.сўмга камайтирилади.

Дебет 0611 - “Узоқ муддатли инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резерв” счёти – 15 млн.сўм.

Кредит Харажатларни ҳисобга олувчи тегишли сётлар – 15 млн.сўм.

<sup>1</sup> 36-сон БҲХС “Активларни қадрсизланиши”. 6-банд.

<sup>2</sup> 9-сон МҲХС «Молиявий инструментлар». Қадрсизланиш. 5.5-банд.

Кредит 0611 - “Узоқ муддатли инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича резерв” счёти – 20 млн.сўм.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобини юритиш билан боғлиқ яна бир муаммо шундаки, уларни амортизацияланишидир (эскириши). Ушбу тартиб ҳам бизнинг миллий стандартларда назарда тутилмаган. Халқаро стандартларда эса қуйидаги қоидалар мавжуд:

Агар қадрсизланишдан зарарнинг ҳисоб баҳоси у билан боғлиқ активнинг баланс қийматидан катта бўлса, фақат ва фақат агар у бошқа стандарт орқали талаб этилса, ташкилот мажбуриятни тан олиши лозим.

Қадрсизланишдан зарар тан олингандан сўнг, актив учун эскириш (амортизация) суммасига активнинг тугатиш қиймати чегирилган ҳолда (агар мавжуд бўлса) ўзгартирилган баланс қийматини унинг қолган фойдали хизмат муддати мобайнида тизимли равишда тақсимлаш учун келгуси даврларда тузатиш киритилади<sup>3</sup>.

Шу мақсадда корхоналарнинг инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар таркибида янги 0612 - “Амортизацияланадиган қийматда баҳоланадиган узоқ муддатли молиявий инвестициялар” деб номланган ишчи счётни киритиш таклиф этилмоқда. Мазкур счёт амортизацияланадиган қийматда баҳоланадиган узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисоби учун фойдаланилади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Бизнинг фикримизча узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қадрсизланишида қуйидаги кўрсаткичлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса, резерв (захира) яратилиши керак деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ҳисобот даври давомида молиявий инвестицияларнинг тахминий қиймати сезиларли даражада камайиши содир бўлганда;

Иккинчидан, кетма-кет иккита ҳисобот санасида инвестицияларнинг тахминий қиймати баланс қийматидан сезиларли даражада пасайиб кетишиши аниқланганда;

Учинчидан, корхонанинг ҳисобот санасида молиявий инвестицияларнинг тахминий қиймати келажакда ошишига ишониш учун асос яратадиган ҳеч қандай маълумотга эга эмас деб баҳоланганда.

Демак, юқоридаги таклиф этилган янги ишчи счётларни “Жиззах аккумулятор заводи” АЖнинг ҳисоб сиёсатига киритиш ва амалиётда қўлланилиши натижасида қуйидагиларни таъминлайди:

Биринчи, амалдаги счётлар режасини халқаро стандартларга яқинлаштириш имкониятини беради;

Иккинчи, инвесторлар учун корхона ҳақидаги маълумотлар шаффофлигини ошириради;

Учинчи, мазкур счётлар орқали турли ташкилотлар кесимида қиёсланувчанлик (таққослаш) таъминланади;

Тўртинчи, ушбу счёт узоқ муддатли инвестицияларни қадрсизланиши бўйича зарарларни олдини олиш учун резервларни шакллантириш имкониятини яратади.

### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

12-сон БХМС (2024) "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш" (АВ томонидан 18.07.2024 й. 3531-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 14.06.2024 й. 138-сон буйруғи билан тасдиқланган);

<sup>3</sup> 36-сон БҲХС “Активларни қадрсизланиши”. 62-63-бандлар.

17-сонли БҲМС (2024) "Капитал қурилишининг пудрат шартномалари" (АВ томонидан 23.07.2024 й. 3533-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 140-сон буйруғи билан тасдиқланган);

1-сонли БҲМС (2024) "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати" (АВ томонидан 06.08.2024 й. 3544-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 130-сон буйруғига 1-илова);

21-сонли БҲМС (2024) «Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3593).

8-сонли БҲМС (2024) "Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби" (АВ томонидан 26.07.2024 й. 3537-сон билан рўйхатга олинган иқтисодиёт ва молия вазирининг 14.06.2024 й. 135-сон буйруғи билан тасдиқланган);

БҲМС (2024) 12-сон БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш" (АВ томонидан 18.07.2024 й. 3531-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 14.06.2024 й. 138-сон буйруғи билан тасдиқланган)

БҲМС (2024) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 12-сон БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш" [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 18 июл, рўйхат рақами 3531]. <https://www.lex.uz/uz/docs/7025356>

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сон "Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.04.2016 йил ЎРҚ-404-сон. Бухгалтерия ҳисоби. 4-модда. <https://lex.uz/docs/2931253>